



**БОЛТАБОЕВА ХУЛКАРОЙ**  
ўқитувчи, ТДШУ

## Турк-ўзбек маърифатчилик адабиётининг назарий асослари

**Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/os/vol-01issue-03-07>**

**Аннотация.** Мақолада XX аср бошларида Туркия ва Ўзбекистондаги янгиланиши ҳаракатлари, унинг асосий намояндлари Мөхмәд Ақиғ Эрсүй ва Абдурауф Фитрат ижоди қиёсан ўрганилади. Турк-ўзбек маърифатчилик адабиётининг назарий асослари қиёсий адабиётшунослик тамошларидан келиб чиқиб белгиланади. Бу адабиётга таъсир этган Farb омиллари ҳақида умумий маълумот берилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** янгиланиши ҳаракатлари, Мөхмәд Ақиғ Эрсүй, Абдурауф Фитрат, турк-ўзбек маърифатчилик адабиёти, назарий асос, қиёсий адабиётшунослик, тамошлар, Farb омиллари, умумий маълумот.

**Аннотация.** В статье рассматриваются движения обновления в Турции и Узбекистане в начале XX века, сравнительно изучается творчества их главных представителей Мехмеда Акифа Эрсоя и Абдурауфа Фитрата. Теоретические основы турецко-узбекской просветительской литературы определяются на основе принципов сравнительного литературоведения. Также дается обзор западных факторов, повлиявших на просветительскую литературу.

**Опорные слова и выражения:** движения обновления, Мехмед Акиф Эрсој, Абдурауф Фитрат, турецко-узбекская просветительская литература, теоретическая основа, сравнительное литературоведение, принципы, западные факторы, общее сведение.

**Abstract.** In this article the renewal movements in Turkey and Uzbekistan in the beginning of the XX th century, the works of its main representatives, Mehmed Akif Ersoy and Abdurauf Fitrat are comparatively studied. The theoretical foundations of Turkish-Uzbek enlightenment literature are determined based on the principles of comparative literary studies. There is given an overview of the Western factors that influenced this literature.

**Keywords and expressions:** renewal movements, Mehmed Akif Ersoy, Abdurauf Fitrat, Turkish-Uzbek Enlightenment literature, theoretical framework, comparative literary studies, principles, Western factors, general information.

Маърифатчилик адабиёти Европада XVII-XVIII асрларда кенг қулоч ёзган бўлишига қарамасдан, унинг илдизлари Шарқда, тўғрироги, исломий адабиётда вужудга келган эди. “Маърифат” (معرفة) тушунчалиси асосида арабча “аърафа” (عرف) сўзи ётади, унинг “билим”, “илм олиш” каби маъноларни англатиши маълум. Бу ўзак сўздан “маориф”, “маърифат”, “ирфон” ва бошқа тушунчаларни ифодалайдиган сўзлар ҳам ясалганки, уларнинг ҳамма маънолари тамоман маърифат тушунчалиси билан боғлиқдир [18:567.]. Турк мумтоз адабиётида ҳам ушбу атаманинг айни мана шу жиҳатларига эътибор қаратилгани, асрлар давомида адабиёт инсон билимини оширишга йўналгани, таълим-тарбия қуроли бўлгани учун ҳам у “таълимий адабиёт” деб юритилган.

Турк адабиёти тарихида “Янги адабиёт” 1839-2000 йиллар дея эътироф этилади [11:131-179]. Бу умумий ном остида Танзимот даври, “Сарвати фунун” адабиёти, “Миллий адабиёт”, “Жумҳурият даври” ва “Модерн адабиёт” каби адабий даврлар бирлаштирилади. Демак, илдизи XI аср адабий манбаларига бориб уланадиган маърифатчилик адабиёти хоҳ Туркия турк адабиётида бўлсин, хоҳ Марказий Осиёдаги туркий адабиётда бўлсин бир булоқдан, яъни исломий манбалардан озиқланиши турк ва ўзбек олимлари томонидан асосланган. Жаҳон адабиётшунослигида “Илк турк ислом адабиёти” деб номланадиган адабий сарчашма миллий адабиётлар тараққиёти сари XX аср бошларига Мөхмәт Ақиғ Эрсүй ва Абдурауф Фитрат яшаб ижод қилган даврларга келиб уланади. “Сарвати фунун” ва “Миллий адабиёт” атамалари англатган адабий даврда маърифатчилик етакчи хусусият касб этганини Шиносий, Номиқ Камол, Зиё Пошо, Аҳмад Мидҳад [8:43-76], Холид Зиё, Мөхмәт Рауф [11:76], Мөхмәт Ақиғ,





Яқуб Қадрий, Зиё Кўқалп, Мөхмәт Амин Юрдақул, Умар Сайфиддин, Аҳмет Ҳикмат [1:183-233] ижодларини тадқиқ этган олимларнинг қарашлари мавжуд. Чунки маърифат масаласи умумтурк адабиётида бирор давр ёки худуд доирасида чекланиб қолмаган, балки миллий адабиётларнинг ўзак масалаларидан бири бўлиб келган.

XX аср бошлари маърифатчилик адабиётининг илдизлари исломий адабиётдан, турк тилидаги маърифий адабиётга бориб тақалиши баробарида унинг назарий жиҳатдан шаклланиши ва дунё миқёсида эътибор топишида Ғарб маърифатчилигининг ҳам муайян ўрни бор.

Турк олимларининг қайд этишича, Танзимот фармони “Низоми жадид” (“Янги Низом”) номи билан тарихга кирган бўлиб, унда ёзилишича, “Усмонли ҳукумати бу фармон билан ички ишларда ҳозирги ҳаётга доир фикрлар келтириб, “Мажалла” ва “Маданий қонун”, “мадраса” ва “янги мактаб”ни барпо этишга чиқарди“ [11:29]. Мөхмәт Ақифнинг “Сафаҳот” асарида тилга олинган “мактаб ва мадраса ислоҳоти” мана шу қонунда кўрсатилган моддаларнинг XX аср бошлари ҳаётидаги аксиdir. Танзимот низомида XVIII асрдан фаол алоқага киришилган Истанбул-Париж дипломатик муносабатларининг натижаси ўлароқ Волтер, Руссо, Дидро асарларининг турк тилига ва Котиб Чалабий, Мөхмәт Чалабий асарларининг франсузчага таржималари тилга олинган [11:23].

Турк-ўзбек маърифатчилик адабиёти XX аср бошларига келиб, алоҳида адабий жараён сифатида туркий адабиётлар майдонига чиқди. Ўзбек жадид адабиёти билан Танзимот ва Жумҳурият даври турк адабиёти ўртасидаги қатор ўхшашиклар ҳақида фикрлар билдирилди.

Шу билан бирга XVIII асрдаги Европа, хусусан, француз маърифатчилигининг умумий ва фарқли жиҳатлари ҳақида бир неча тадқиқотлар эълон қилинди [16:8]. Маърифатпарварлик ҳаракати Ғарбий Европа мамлакатлари ичидан илк марта Францияда бўй кўрсатди. “Маърифатпарварлик” атамаси эса инглиз шоири Жон Милтоннинг “Йўқотилган жанинат” достонида қўлланди ва у феодал-подшоҳлик тартиботларига қарши Францияда амалиётга киритилди. Ғарб адабиётида ўзигача ҳукм сурган классицизм (қатъий поетика) ва сентиментализм (хис-туйғу) қарашларига қарши ўлароқ майдонга чиқкан маърифатпарварлик ҳаракатини Вольтер, Монтескне, Кондиляқ, Ламетри, Руссо, Дидро, Бомарше, Бюффон каби адиб ва файласуфлар давом эттирилар ва унинг бутун Европа бўйлаб кенг тарқалишига сабаб бўлдилар [15:42-44]. Айрим чекланишларга қарамай маърифатпарварлик адабиёти роман, қисса, хикоя, мактуб, саёҳатнома жанрлари тараққий топишига адабий замин ҳозирлади.

Француз адабиётида Волтернинг “Соддадил”, “Кандид ёки некбинлик” қиссаларида фалсафий қарашлар етакчилик қилган бўлса, Монтескенинг “Форс мактублари” эпистоляр жанрда яратилган бўлишига қарамай, юксак бадиияти билан ажralиб туради. Ж.Ж.Руссонинг “Эмил ёки тарбия”, Д.Дидронинг бадиий ижоди (“Роҳиба” романи) билан бирга унинг француз энциклопедиясини яратишдаги фаолияти, бу ишга нафакат ўз юртдошлари, балки инглиз ва олмон адиб ва олимларини ҳам жалб қилганлиги маърифатчилик адабиётида алоҳида қадрланади. Инглиз саргузашт ва рамзий романчилигининг етук намуналари Ж.Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари”, Д. Дефонинг “Робинзон Крузо” асарларининг замирида кишилик тарихида ёввойи инсоннинг маданийлашиш тарихи ва бу йўлда илм-маърифатнинг ўрни алоҳида улуғланишини кузатамиз. Германияда Лессинг, Шиллер ва Гётенинг асарлари олмон ма’рифатчилигининг юксак намуналари сифатида тарғиб қилинган, инсоннинг жаҳолат, зулм, шайтоний ҳислар устидан ғалабаси фақат илму фаннинг натижаси ўлароқ талқин қилинган [2:477-480].

Ғарбий Европадаги маърифатчилик оқими Усмонли давлатига французлар билан яқин маданий ҳамкорлик, дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши, Париждаги каби Фан комитетининг тузилиши ва бошқа маърифий ислоҳотлар орқали кириб келган ва XIX асрнинг ўрталарида Танзимот даври, маданий ислоҳотларнинг амалга оширилиши бу ҳамкорликнинг маълум маънодаги натижалари ўлароқ юзага чиқди.





Россия ҳукмронлиги остида эзилаётган туркий халқларнинг маърифатга интилиши, бир томондан, юртдаги азалий маърифат масканлари, мактабу мадрасалар, уларда адабий таълимга кенг эътибор берилиши билан бирга юртда зарур сиёсий ислоҳотлар ўтказилиши лозимлиги, таълим муассасаларининг ислоҳ қилиниши даврида Боғчасаройдан етишиб чиқсан машхур адаб ва олим Исломбей Гаспирали (1851-1914)нинг алоҳида ўрни бор. Унинг “Фарангистон мактублари”, “Дору-р-роҳат мусулмонлари” (“ўзбекчада “Фарогат ўлкаси” деб эҳтиётлик билан таржима қилишган) асарларида гарчи воқеа бевосита Онадўли ёки Туркистонда кечмаган бўлса ҳам асар қаҳрамонлари Мулла Аббос ёки бошқа муаммоли жиҳатлари билан Шарқ ислом мамлакатларида озод ва тараққий этган давлат қуриш орзуси билан суғорилган. Бу орзунинг илдизи, бир жиҳатдан, илк мусулмон Ренессансининг асосчиларидан бири Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида маърифатли инсон ғояси билан боғланса, иккинчи жиҳатдан, аввал мусулмон ўлкаси бўлган Андалусия (хозирги Испания ва Португалия ўрнидаги ислом давлати) ноиттифоқлик туфайли кофирлар мамлакатига айлангани надомат билан тасвирланади. Роҳат ва фарогат ўлкасининг XX аср бошларига келиб, илму маърифатдан чекиниши, қироллик тузуми орқали тараққиётдан ортда қолаётгани сабабларига ҳам асардан етарлича изоҳлар топиш мумкин [10:9]. Шуни ҳам унутмаслик керакки, И.Гаспирали асарида Фарангистон бежиз тилга олинмайди ва унинг қаҳрамони Мулла Аббоснинг характеристида ёки фарогат ўлкаси тасвирида Волтернинг “Кандид ёки некбинлик” асарининг таъсирини сезмаслик мумкин эмас. Волтер ақлга мувофиқ келадиган ижтимоий тузум сифатида хаёлий Элдорадо мамлакатини олади, унингча, Элдорадо – жаннатмакон жой, мамлакат аҳолиси бой, қироли ҳам маърифатли, инсонпарвар. Бу юртда гўзал шаҳарлар, илм-фан масканлари талайгина. Аммо Элдорадога борадиган йўл тоғлар, баланд қоялар билан тўсилиб ётиби, унга бошқа юртларнинг одамлари етиша олмайдилар. Айни етишиш усули сифатида Волтер илм ва маърифатни белгилайди ва қаҳрамонига ҳам у мамлакатга эришишга йўл топиб беради. И.Гаспиралининг “Дору-р-роҳат мусулмонлари” асарида шунга яқин воқеа тасвир этилсада, энди унда Андалус каби ислом диёри ва маърифтга эришишнинг тасаввуфий йўли кўрсатилган. Бу асарни Фитрат Истанбулдалиқ вақтида (1909-1914) қrim татар туркчасидан форс тилига таржима қилиши айни асарнинг XX аср бошларида Туркияда ҳам маълум ва машхур бўлганини асослайди [3:31].

Европа маърифатчилиги XVIII асрда Д.Дидро раҳбарлигида “Энциклопедия” даврига етиб келган экан, бу бир-икки илм соҳасининг даражаси эмас, балки миллатнинг маърифий даражасини белгиловчи омилдир. Шунинг учун ҳам Дидро энциклопедиясига нисбатан “баҳт тўғрисидаги билимлар мажмуи” деб қаралган ва худди илк турк адабиётида “Кутадғу билиг”га нисбатан айтилганидек, “баҳт келтирувчи билимлар ҳазинаси” айни қомус бўлиши лозимлигини турк ойдинлариenglаб етганлар. Натижада XX аср бошларида Шамсиддин Сомийбекнинг “Қомуси аълам” (“Катта қомус”) ва “Қомуси туркий” китоблари нашр этилиши йўлга кўйилди. Бундан ташқари, “давр қомуси” изоҳи билан айтиладиган айрим асарлар ҳам борки, турк адабиётида улардан нисбатан дастлабкиси Мехмет Акиф Эрсўйнинг “Сафаҳот” асари бўлди.

Европа маърифатчилигининг амалий ифодаси француз ва инглиз адабиётида бўй кўрсатгани билан маърифатчиликнинг назарий асослари Германияда яратилди. Гердернинг “Танқидий мулоҳазалар”, “Санъат фалсафаси” ва Лессингнинг “Лаокоон ёхуд шеърият ва тасвирий санъат чегарасида”, “Гамбург драматургияси” асарларида маърифатчиликнинг бадиий ифодаси, санъат асарининг моҳияти, адабий-назарий тафаккурнинг бир миллий қобиқ ичида яшashi мумкин эмаслиги сингари ғоялари Европа маърифатчилиги асосларини ташкил қилади. Бу ғоялар Шиллер драмалари, Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари”, “Фауст” каби оламшумул асарлари орқали дунёга чиқди. Айни мана шу адиларнинг ўзаро ёзишмаларида илк бор “жаҳон адабиёти” истилоҳи қўлланилди ва бу адабиёт Шарқ ва Ғарб, Европа ва Осиё, идеалистик ва материалистик, насроний ва исломий каби моддий





фарқланишларга нисбатан инсон ва унинг маърифати тантанасини кўрсатувчи умумжаҳон адабиёти мавжудлигини тан олди.

Фарб маърифатчилигига хос яна бир хусусиятни қайд этиш лозим. Уларда Шарқ мавзуси, айниқса, мусулмон Шарқи, Ислом уйғониши ва Шарқ мумтоз адабиётига мурожаат қилиш бошқа даврлардагига нисбатан кучли бўлди. Монтескенинг “Форс тароналари”, Волтернинг “Муҳаммад”, “Заира” қиссалари, Расиннинг “Боязид” драмаси, Гёте юқорида тилга олинган “Шарқу Фарб девони” орқали турли жанрлар ва талқинлар воситасида Шарққа мурожаат этдилар. Уларнинг айримлари танқидий рух билан сугорилган, айримлари дини мубини исломнинг моҳиятини яхши англамасликлари натижасида нотўғри хулосаларга бордилар. Бироқ бу жараён XIX аср романтизм адабиётига ҳам кўчиди ўтганини Байроннинг “Шарқ достонлари”, Виктор Гюгонинг “Шарқ мотивлари” каби асарлари мисолида кўриш мумкин. Санъатнинг тарбиявий роли, маърифий аҳамиятига урғу берилди, демократия ижодкорнинг асосий тамойилига айлантирилди. Бадиий асар қаҳрамонларига нисбатан “табиий одам” гояси билан илгари сурилиб, маърифий инсонга хос ахлоқий, маънавий, ижтимоий сифатлар маърифатчилик адабиётидаги қаҳрамонлар киёфасида ўз ифодасини топди [14:19]. Француз адабиётидаги маърифатчиликни ўзида мужассам этган В.Гюго, Д.Дефо, А.Дюма, Лессинг, Ж.Ж.Руссо асарлари турк тилига таржима этилиб, нашр қилинди [11:25]. Турк маърифатчилари янги адабиёт яратиш иштиёқида бўлгани учун Farbdagi бу асарлардан бебахра қолмади. Бу асарларни таржима этганлар ҳам мана шу миллий адабиётнинг фаол вакиллари эдилар. Аҳмад Мидҳат афандининг “Қиссадан ҳисса”, “Латойифи ривоят” (1870), Эмин Ниҳатнинг “Мушоаратнома” (1873) асарларида Farb адабиётидаги маърифий ғоялар, “табиий қаҳрамонлар” таҳлил этилди ва турк адабиётининг ҳам ғарбона жанрлар, услублар ҳисобига бойиб бориши лозимлиги уқтирилди [11:26].

Дастлаб барча туркий халқлар учун муштарак бўлган мумтоз адабиётда кейинроқ Евropa маърифатчилик адабиётида кузатилган ва XX аср бошлари турк ҳамда ўзбек жадид адабиётига таъсирини масалаларини кузатганда, адабий алоқалар ва адабий таъсирга оид назарий манбаларга мурожаат этамиз. Мумтоз адабиёттага ворислик масаласи янги турк адабиётида ҳам, ўзбек жадид адабиётида ҳам устувор йўналиш касб этишини кузатиш мумкин. Бу борада қиёсий адабиётшунослик ютуқларидан фойдаланган ҳолда, хусусан, словак олими Д.Дюришин “Адабиётни қиёсий ўрганиш назарияси” китобида ҳар бир адабиёт ўз қобиғига ўралиб якка ҳолда тараққий эта олмаслигини улар учун умумий бўлган адабий назариялар парадигмасини яратиш лозимлигини уқтириб ўтганди [7:25-31]. Олим китобида “Ички алоқалар” номли маҳсус боб келтириб, унда бевосита ва билвосита таъсирланиш ҳоллари мавжудлигини ажратиб кўрсатади. Бевосита таъсирланишда икки объект: таъсир қилувчи ва таъсирланувчи иштирок этиши мумкин; билвосита таъсирда учинчи объектга эҳтиёж туғилади ва бу объект биринчи ва иккинчи объектларни боғловчи вазифасини бажаради [5:118-119]. Адабий таъсир назариясида ижодкорлараро муносабат бевосита амалга ошиши мумкин (буни Д.Дюришин “генетик алоқадорлик” деб атаган), даврлараро муносабатда эса бевосита таъсирдан ташқари, “таъсир этувчи” ва “таъсирланувчи” ўртасида учинчи объект орттирилиши мумкин экан [6:6-10].

Биз ўзбек жадид аадбиётининг Евropa маърифатчилик адабиётидан таъсирланишини мана шу каби турк адабиёти воситасида амалга оширилганини кузатамиз. Бундан ташқари, айрим улуғ даҳолар тажрибалари, уларнинг ижодий тамойиллари бир миллат ёки минтақа ва адабий мухит ҳудудидан тошиб чиқиб, бутун дунё маданиятига ўз таъсирини ўтказиши ҳам мумкин. Бу ҳодисани биз айни Мехмед Акиф Эрсўй ва Абдурауф Фитрат ижодий меросида кузатамиз. Ушбу анъана ва адабий таъсирнинг адабиётлараро кесимида ўрганилиши лозим бўлган масалалардан бири бўлиб, адабий анъана ва ворислик муаммосини ўрганишда кўпроқ олимлар туркий адабиётларнинг ўзаро муносабатида иш кўрадилар.



Румин олими А.Диманинг “Қиёсий адабиётшунослик тамойиллари” [4] тадқиқотида таъсир ва ўзаро таъсирланиш масалалари жаҳон компаративистикаси нуқтаи назаридан таҳлил этилган бўлиб, муаллиф назарида типологик ўхшашликлар ва миллий адабиётлар ўзига хослиги адабиётларнинг қиёсий таҳлили орқали юзага келади. Адабиётлар қиёсланаётганда “европацентризм”ни асос қилиб олиб, бир адабиётни “таъсир этувчи”, иккинчисини эса “таъсирланувчи” деб кўрсатиб бўлмайди. Таъсирланиш жараёни миллий адабиётларнинг ички контекстида кечади. А.Диманинг қарашларини таҳлил этган проф. В.Кулешов бу жараёнда Яқин Шарқ мамлакатлари ва Осиё адабиётини фақат “таъсирланувчи” деб кўрсатиш хато саналишини ёзади. Масалан, биз Еваропа адабиётларини форс ёки араб адабиёти билан қиёслар эканмиз, бу адабиётларнинг ўзига хос заминда тараққий этганини ва ўзининг минг йиллик анъаналари борлигини унутмаслигимиз керак. Ана шундагина қиёсланиш жараёни холис кечади ва бир адабиётнинг иккинчиси устидан “юқори”лиги эмас, балки муайян жараёнда улардаги умумий ўхшашликлар борлигини кузатамиз. Бунинг натижасида эса бир томонлама таъсирланиш эмас, балки ўзаро ижодий мулоқот таҳлил объектига айланади [13:10].

Ҳакиқатан ҳам ушбу қарашларни тадқиқотнинг назарий асослари сифатида белгилар эканмиз, Мехмед Акиф Эрсўй таъсири орқали Фитратда маърифий қарашлар шаклланди, деган қарашдан йирокмиз. Абдурауф Фитрат Истанбулга келиб Мехмед Акиф билан учрашгунга қадар унинг маърифий қарашлари шаклланган, “Сайҳа”, “Мунозара” асарлари гарчи Истанбулда нашр этилган бўлса ҳам улар Фитратнинг Бухородалик даврида форс тилида яратилган, фақат Истанбулдаги эркин муҳитда бу асарларни чоп этиш учун имконият туғилган.

Худди шу каби акад. Н.Каримов олмон олимаси Зигрид Клейнмихелнинг “Алишер Навоий ва Аҳмад Пошибо” тадқиқоти хусусида тўхталар экан, “шу вақтга қадар XX аср туркий халқлар адабиёти, шу жумладан, ўзбек адабиёти ва фолклори билан шуғулланиб келгани учун унинг Навоий ижодига қизиқиши ва айниқса, ўзбек адабиётшуносларига номаълум бўлиб келган ўзбек-турк адабий алоқалари тарихини муҳим бир саҳифасини ёритиб бериши камина учун кутилмаган янгилик бўлди”, деб ёзади [12:18,23].

Алишер Навоий ижоди барча туркий халқлар адабиёти учун маҳорат мактаби саналгани каби ўзбек жадид адиллари ҳам XX аср бошларида турк адабиётига юзландилар. Бу даврда Истанбул барча туркий халқлар ва адабиётларни ўзида бирлаштирган, янги тараққийпарвар ғояларни илгари сурувчи бир илмий-ма’рифий бошкент вазифасини бажарди. Айни шу заминда туркчиликнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий асосларини ишлаб чиқкан Зиё Кўкалпнинг “Туркчиликнинг асослари” дастурий қўлланмаси яратилди [9]. Ислоҳотчилик ғоялари ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олгани каби диний соҳада ҳам Жамолиддин Афғоний, Муҳаммад Абду каби ислоҳотчилар ғоялари майдонга чиқди. Фитрат Истанбул университетининг талаабаси ўлароқ мана шу каби ислоҳотларнинг ичida яшади, Мехмет Акиф сингари улуг адиллар билан танишди, улар асос солган нашрларда қатнашди. Илк асарларини форс тилида ёзib, муайян доирадагина Ҳожи Абдурауф номи билан танилган адид, Истанбул фаолиятидан сўнг туркий дунёнинг пешкадам адилларидан бири бўлган Абдурауф Фитратга айланди. Туркистон ма’рифатчилари олдида турган энг муҳим масала эски тартибларни бартараф этиш ва янги ижтимоий-иқтисодий тузум ўрнатиши учун йўл очиш эканлигини Фитрат Истанбул мисолида англаб етди.

